

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАМАТОВ СОХИБЖОН АБДУСАМАТОВИЧ**

**ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДА ОЗУҚА ОҚСИЛИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдусаматов Сохибжон Абдусаматович**

Ўсимлик хом ашёлари асосида озуқа оқсилли тайёрлашнинг  
микробиологик технологияси..... 3

**Абдусаматов Сохибжон Абдусаматович**

Микробиологическая технология приготовления кормового белка на  
основе растительного сырья..... 21

**Abdusamatov Sokhibjon Abdusamatovich**

Microbiological technology for preparation of feed protein based on plant  
raw materials..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУСАМАТОВ СОХИБЖОН АБДУСАМАТОВИЧ**

**ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИ АСОСИДА ОЗУҚА ОҚСИЛИ  
ТАЙЁРЛАШНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**03.00.04 – Микробиология ва вирусология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B298 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<https://microbio.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Давранов Қахрамон**

биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хўжамшукуров Нортажи Абдихалиқович**

биология фанлари доктори, профессор

**Кутлиева Гузал Джуманязовна**

биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «23» феврал соат 10:00 даги мажлисида бўлади Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71; e-mail: [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин («\_» рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98).

Диссертация автореферати 2023 йил «08» 02 да тарқатилди.

(2023 йил «08» 02 №2 рақамли реестр баённомаси)



**Ариев Тахир Фатихович**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор, академик

**Жураева Роҳила Назаровна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Гулямова Тошхон Гофуровна**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда чорва моллари ва паррандалар учун ўсимлик чиқиндиларини қайта ишлаш орқали оқсилга, алмашинмайдиган аминокислоталар ва витаминларга бой бўлган оқсил-витамин композициясини яратишга ва сифатли озуқа-ем тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Омухта ем тайёрлашнинг анъанавий технологияларида, асосан бошоқли ўсимликларнинг (60-80%) ҳосилидан фойдаланилади. Бироқ, ушбу технология озиқ-овқатнинг асоси бўлган бошоқли ўсимликлар ҳосили захирасининг камайиб кетишига олиб келиши, уларга бўлган талабнинг интенсив ошиб бориши эса, исътемом талабини қондиришга етмаслиги мумкин. Шунинг билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида бошоқли ўсимликларга қайта ишлов бериш мобайнида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг катта қисми бутунлай ишлатилмайдиган чиқинди захираларига айланиб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу сабабли, ўсимлик хом-ашёларини фаол микроорганизмлар штаммлари ёрдамида қайта ишлаш орқали оқсил ва витаминларга бой бўлган озуқабоп маҳсулотга айлантириш ва тайёрланган маҳсулотлардан чорвачиликни, паррандачиликни, балиқчиликни ривожлантиришда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қишлоқ-хўжалиги ўсимликларини қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндиларга микроорганизмлар билан ишлов бериш ва уларни микроб метаболитлари билан бойитиш, ҳамда қайта ишлаш технологияларини амалиётга жорий этиш борасида тизимли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, микромицетлар орасида фаол целлюлаза ферментларини синтез қиладиган янги штаммларни ажратиб олиш, айниқса *Trichoderma* авлодига кирувчи замбуруғларнинг фаол изолятларидан турли хил углерод манбаъларининг утилизациясида ва турли хил физиологик фаол иккиламчи метаболитлар биосинтезида фойдаланиш, таркибида целлюлоза ва лигнин тутган ўсимлик чиқиндиларида ўстирилган замбуруғларнинг гидролитик ферментлар комплексини синтез қилиши, целлюлоза ва лигнин тутувчи табиий бирикмаларни оддий моддаларгача парчалаши натижасида аминокислоталар, полисахаридлар ва кўплаб бошқа фойдали бирикмалар ҳосил қилиши, шунингдек, танлаб олинган фаол микромицет штаммлари асосида ўсимлик биомассасига ҳамда целлюлоза тутувчи турли хил чиқиндиларга комплекс ишлов бериш орқали озуқабоп маҳсулотлар тайёрлаш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда кейинги йилларда паррандачилик, балиқчилик ва чорвачиликнинг озуқа базасини кенгайтириш, уларни юқори сифатли омухта-ем билан таъминлашни яхшилаш борасида кенг чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...чорвачиликни сифатли озуқалар,

биоқўшимчалар, витаминлар ва бошқа озуқа бирликлари билан таъминлаш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларини амалга оширишда, жумладан, саноат микробиологиясини ривожлантириш, хусусан, ўсимлик чиқиндиларига микробиологик ишлов бериш орқали юқори сифатли, оқсилга, витаминга ва алмашинмайдиған аминокислоталарга бой бўлган озуқа-ем тайёрлаш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлардан маълумки, *Trichoderma* замбуруғининг *harzianum* тури географик кенг тарқалганлиги ва ўсимликларнинг фитопатогенларига қарши биологик химоя қилиш воситаси сифатида ишлатилиши ҳамда целлюлаза ферментларини синтезлаши, ўсимлик чиқиндиларига микробиологик ишлов беришда қўлланилиши борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда (Садыкова, 2003; Алимова, 2006; Мороз, 2013). Бундан ташқари, *Trichoderma* туркумига кирувчи ҳар хил штаммларда 200 дан ортиқ биологик фаол моддалар синтезланиши аниқланган (Richard et al., 2017). Бу замбуруғнинг баъзи штаммлари ўсимликлар ўсишини барқарорловчи таъсирга эга эканлиги, бу эса, уларни гиббереллин ҳосил қилиши билан боғлиқ эканлиги аниқланган (Hatmi et al., 2015; Saad et al., 2017). *Trichoderma* замбуруғининг целлюлолитик ферментлар синтези ва уларни биологик назорат қилиш хусусиятига эга эканлиги ҳар томонлама кўриб чиқилган (Kubisek, 2002). Анорганик моддалар ва ўсимлик чиқиндилари аралашмасидан ташкил топган ярим сунъий озуқа муҳитлари микроорганизмларнинг целлюлаза ферменти биосинтезини аниқлашда жуда қулай эканлиги (Chinedu et al., 2011; Andre and Schmoll, 2010) кўплаб муаллифлар томонидан таъкидлаб ўтилган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

МДХ давлатларида озуқа ачитқилари ишлаб чиқариш 1930 йилларнинг ўрталарида бошланган. Сомон, маккажўхори поялари каби қишлоқ хўжалиги чиқиндилари сульфат кислота билан гидролиз қилиниб, гидролизатлар зарарсизлантирилган ва *Saccharomyces cerevisiae* ачитқисини етиштириш учун озуқа муҳитининг ингридиенти сифатида ишлатилган. Бироқ, бундай корхоналарга хомашёни ташиш қимматга тушганлиги сабабли, ушбу ишланма етарли даражада ривожланмаган ёки фақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган корхона сифатида қолган (Аронбоев ва бошқ., 2012; Набиева ва бошқ., 2020).

Таъкидлаш лозимки, Республикамизда *Trichoderma* туркумига кирувчи микромицетларнинг морфологияси, целлюлозали субстратларда ўстириш биотехнологияси, шולי сомони, маккажўхори пояси каби қишлоқ хўжалиги чиқиндиларига ишлов бериш, уларни сульфат кислота билан гидролиз қилинган ва гидролизатда ачитқи замбуруғи ўстирилиб, қандга бой маҳсулот олишга ҳаракат қилинган. Замбуруғларнинг карбогидраза ферментлари ёрдамида целлюлоза сақловчи маҳсулотларни қайта ишлаш, хужайра муҳандислиги усуллари ёрдамида янги мутант штаммлар яратилган. Шунингдек, ўсимлик қолдиқларини силослаш бўйича ҳам маълумотлар олинган (Ташпулатов Ж.Ж., 1987; Хамидова С.Х., 1990; Хамидова Х.М., 1991; Муҳаммадиев Б.Қ., 1996; Азимова Н.Ш., 2017). Бироқ ўсимликларни қайта ишлаш орқали оқсил ва ёғга бой озуқа қўшимчалари олиш муоммоси ҳалигача ечилмасдан қолиб келаверган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-ФА-2021-7 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ошқозон-ичак йўллари микрофлорасини нормаллаштириш ва озуқа-ем ҳазм бўлишини таминлаш учун янги озуқа-ем қўшимчасини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2021-2022) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсимлик чиқиндиларини парчаловчи ферментлар биосинтез қилувчи фаол микромицет штаммларини ажратиб олиш, танлаб олинган штаммлар ёрдамида амарант ўсимлиги биомассасига комплекс ишлов бериш орқали, оқсилга бой бўлган озуқа маҳсулотларини тайёрлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли табиий манбалардан ўсимлик чиқиндиларини фаол парчаловчи замбуруғларни ажратиб олиш ва скрининг қилиш;

танлаб олинган фаол штаммларнинг морфологик-культурал, физиологик-биокимёвий хусусиятларини аниқлаш ҳамда 18S рРНК нуклеотид кетма-кетлигини тадқиқ қилиш;

лаборатория шароитида амарант ўсимлигидан фойдаланиб штаммларни ўстириш учун озуқа муҳити таркиби ва ўстириш шароитларини оптималлаштириш;

амарант ўсимлигининг биомассасини қайта ишлаш ҳамда олинган озуқа қўшимчасининг безарарлигини аниқлаш;

яратилган технологиянинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли табиий манбалардан ажратиб олинган фаол микромицет штаммлари, Амарант (Щирица) – *Amarantus caudatus* L. ўсимлиги, *Trichoderma harzianum* ТННУУ-1 (857) штамми синтез қиладиган целлюлолитик ферментлар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** *Trichoderma harzianum* ТННУУ-1 (857) штаммининг целлюлаза ферментларини синтез қилиши ва амарант биомассасини ферментатив парчалаш ва оқсил билан бойитиш жараёнларини баҳолаш, танлаб олинган фаол штамм асосида оқсилга бой озуқа махсулотларини тайёрлаш, тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотларни бажариш жараёнида микробиологик, биокимёвий, микологик, биотехнологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

турли табиий манбалардан ажратиб олинган изолятлари орасидан целлюлаза ферментларини синтезловчи, фаол штаммлар скрининг қилинган ҳамда маҳаллий *Trichoderma harzianum* ТННУУ-1 (857) штамми танлаб олинган ва у классик микологик ҳамда замонавий молекуляр биологик усуллар ёрдамида идентификация қилинган;

илк бор *Trichoderma harzianum* ТННУУ-1 (857) 2% амарант сомони сақлаган Мандельс озуқа муҳитида суyoқ озуқа муҳитида ўстирилганда 72 соатда эндо-1,4-β-глюканаза (6.68 бирлик/мл), экзо-1,4-β-глюканаза (2.89 бирлик/мл), целлюлаза комплексини оқсил миқдори 6,8 мг/мл синтез қилиши аниқланган;

*Trichoderma harzianum* ТННУУ-1 (857) штамми амарант ўсимлиги чиқиндиларидан тайёрланган озуқа қўшимчасининг таркибини алмашинмайдиган аминокислоталар миқдорини 41.5% га, бунда: фенилаланин – 43,9 мкг/гр, лейцин – 52,8 мкг/гр, метионин 52,7 мкг/гр ва изолейцин 45,8 мкг/гр га бойитиши аниқланган;

илк бор амарант ўсимлиги биомассасини *Trichoderma harzianum* ТННУУ-1 (857) штамми ёрдамида чиқиндиларсиз биоконверсия қилиш шароитлари ишлаб чиқилган ва экологик тоза, безарар озуқага қўшимча сифатида чорва моллари ва паррандаларнинг озуқасини ҳазм бўлишига ёрдам берувчи озуқа қўшимчаси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўсимлик қолдиқлари (амарант сомони) га *Trichoderma* авлодига кирувчи замбуруғнинг фаол штаммлари билан ишлов бериш орқали оқсил ва витаминларга бой бўлган экологик тоза, зарарсиз озуқага қўшимча олиш технологияси яратилган.

Озуқа қўшимчаси фермер хўжаликларида паррандалар ҳамда чорва моллари учун бериладиган озуқага қўшимча сифатида, ишлаб чиқариш шароитларида синовлардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 маротабадан ўтказилгани ва бу ишончли ва барқарор натижаларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш

имконини бергани билан асосланган. Тажриба маълумотларини статистик ҳисоблаш Стюдент критерийси ва STATISTICA 6.0 компьютер дастури ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми амарант ўсимлиги чиқиндиларидан тайёрланган озуқа қўшимчасининг таркибини алмашинмайдиган аминокислоталар миқдорини 41.5% га оширган, фенилаланин, лейцин, метионин ва изолейцинга бойитиши ҳамда эндо-1,4-β-глюканаза, экзо-1,4-β-глюканаза, β-глюказидадан иборат бўлган целлюлаза комплексини синтез қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти целлюлоза тутувчи хомашёларни ферментатив гидролиз қилиш йўли билан олинган озуқавий қўшимчалар, паррандачилик хўжаликларида бройлер жўжаларининг ҳаётчанлигини ва вазнини оширганлиги ҳамда чорвачиликда соғин сигирларнинг сут миқдорини оширишда маълум даражада хизмат қилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми асосида оксилга бой озуқага қўшимча сифатида қишлоқ хўжалигига жорий этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

целлюлоза тутувчи хомашёларни ферментатив гидролизлаш йўли билан олинган озуқавий қўшимчаларни Қашқадарё вилояти “Парранда инвести” ва “Зотли парранда”, Хоразм вилояти “Гандимён паррандачилик”, “Ойбек Баҳром”, “Исо Муслим”, “Урганч уруғи”, Жиззах вилояти “Бўстон парранда” ва “Zarbdor eco products” фермер хўжаликларидаги паррандалар учун бериладиган озуқага қўшимча сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 29 июндаги 02/23-1135-сон маълумотномаси). Натижада паррандачилик хўжаликларида бройлер жўжаларнинг ҳаётчанлиги ва вазни 11-12% га ошириш имконини берган;

целлюлоза парчаловчи ва ферментатив гидролизланган озуқавий қўшимчаларни Жиззах вилояти “Шавкат Авлиёкул ўғли”, Андижон вилояти “Бахт имкон ривож чорваси”, Қашқадарё вилояти “Қизил чўл асил чорва” ва “Жумаев Умир чорваси” фермер хўжаликларида қорамолларнинг озуқасига қўшимча сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 29 июндаги 02/23-1135-сон маълумотномаси). Натижада соғин сигирларда сут миқдори 18-20% га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жами 6 та, жумладан, 3 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр қилинган, шулардан 4 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда,

жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган, объекти ва усуллари тавсифланган, илмий янгилиги белгилаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниш ҳолати, нашр қилинган мақолалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Озуқа-ем тайёрлашда ишлатиладиган мицелиал замбуруғлар, уларнинг таксономияси, ўзгарувчанлиги ва бошқа хусусиятлари ҳақида адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида *Trichoderma* туркумининг турларини аниқлашда морфологик белгилардан фойдаланганлиги, уларнинг келиб чиқиши, ўсимлик қолдиқларининг замбуруғлар ёрдамида парчаланиши, *Trichoderma* авлоди замбуруғларининг табиатда тарқалганлиги, уларнинг барча географик зоналарда ва турли типга мансуб тупроқларда учрашлари, таксономияси, целлюлаза ферментлар комплекси, ксиланаза ферменти, оксил, аминокислоталар ҳосил қилиши, замбуруғлар ёрдамида оксил ҳосил қилишига турли омилларнинг таъсири, тўғрисида маълумотлар берилган. *Trichoderma* туркуми замбуруғлари асосида озуқа оксили ишлаб чиқишнинг микробиологик усуллари ҳамда унинг амарант ўсимлигига ишлов беришда қўлланилиши кенг ёритилган.

Диссертациянинг **«Турли манбалардан ўсимлик қолдиқларини парчаловчи замбуруғларни ажратиб олиш, танлаб олинган замбуруғнинг хусусиятларини ўрганиш, озуқа-ем тайёрлаш ва унинг кимёвий таркибини аниқлаш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тупроқ ва ўсимлик намуналаридан целлюлоза парчаловчи микромицетларни ажратиб олиш, скрининг натижасида танлаб олинган энг фаол *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг морфологик-культурал хусусиятларини аниқлаш ва озуқа муҳити таркибини оптималлаштириш усуллари кўрсатиб ўтилган. *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғининг қаттиқ озуқа муҳитида синтез қиладиган целлюлаза, ксиланаза ва қўшимча ферментларининг фаоллиги, оксил тўплаши, *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми асосида олинган озуқанинг аминокислоталар таркиби ва миқдорини ҳамда безарарлигини аниқлашда фойдаланилган усуллар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Ўсимлик қолдиқларини парчаловчи микромицетларнинг скрининги, *Trichoderma* авлодига мансуб замбуруғларнинг ўзгарувчанлиги ва амарант ўсимлиги биомассасида озуқа оксили тайёрлаш учун штаммлар танлаш”** деб номланган учинчи

бобида диссертация ишининг асосий тадқиқод натижалари келтирилган, бунда турли хил табиий манбалардан замбуруғларни ажратиб олиш, уларни целлюлоза сақловчи субстратларни қайта ишлаш хусусиятлари бўйича скринингдан ўтказиш, энг фаол штамми танлаб олиш, морфологик-културал хусусиятларини аниқлаш, оптимал озуқа муҳити ва ўстириш шароитларини танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқот натижасида *Ascomycota* ва *Zygomycota* бўлимига кирадиган, жами 3 та синф, 3 та тартиб, 6 та оила ва 7 та туркумдан иборат 27 та микромицет штамлари ажратиб олинган. Буларнинг 22 таси *Ascomycota* бўлимига тегишли бўлиб, улар асосан *Trichoderma*, *Fusarium* ва *Aspergillus* туркумининг вакилларидан ташкил топганлиги, *Verticillium* ва *Penicillium* туркумига кирувчи микромицетлар штамлари эса, нисбатан кам учраганлиги аниқланган. Шунингдек, *Zygomycota* бўлимига кирувчи *Rhizomucor* ва *Mucor* туркумларига мансуб замбуруғлар ҳам ажратилган ва аниқлагичлар ёрдамида идентификация қилинган (1 жадвал).

### 1-жадвал

#### Ажратиб олинган микромицетларнинг систематик таркиби


Бўлим	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Микдори
<i>Ascomycota</i>	<i>Sordariomycetes</i>	<i>Hypocreales</i>	<i>Hypocreaceae</i>	<i>Trichoderma</i>	10
			<i>Plectosphaerellaceae</i>	<i>Verticillium</i>	1
			<i>Nectriaceae</i>	<i>Fusarium</i>	4
	<i>Eurotiomycetes</i>	<i>Eurotiales</i>	<i>Aspergillaceae</i>	<i>Aspergillus</i>	4
			<i>Trichocomaceae</i>	<i>Penicillium</i>	3
<i>Zygomycota</i>	<i>Mucoromycetes</i>	<i>Mucorales</i>	<i>Mucoraceae</i>	<i>Rhizomucor</i>	2
				<i>Mucor</i>	3
<b>2</b>	<b>3</b>	<b>3</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>27</b>

Кейинги босқичда, ажратиб олинган фаол штаммларни скрининг-сифат усулида танлаб олиш тажрибалари олиб борилиб, филтр қоғоз сақлаган озуқа муҳитида яхши ўсадиган ва уни фаол гидролиз қиладиган замбуруғ штаммларидан 12 таси танлаб олинган ҳамда иккинчи скринингда уларнинг ўсимликлар биомассасини гидролиз қилишига қараб нисбий фаоллиги баҳоланган. Тажрибалар давомида ўсимликларнинг биомассасини энг фаол гидролизлайдиган *Trichoderma* туркумига кирувчи 3 та штамми такрорий равишда яна ўсимликлар биомассасини гидролиз қилиш ва оксил ҳосил қилишига қараб, учинчи босқичда скрининг қилиш мақсадида, 2% микдорда амарант сомони қўшилган Мандельс озуқа муҳитида 10 кун давомида ўстирилган. Натижалар асосида, ғўзапоядан ажратиб олинган *Trichoderma* N-17 замбуруғининг целлюлаза ва ксиланаза ферментларининг фаоллиги энг юқори даражада эканлиги ва оксил ҳосил қилиши, шунингдек субстратни қанд моддалар билан бойитиш хусусиятлари бошқа штаммлар орасида ажралиб туриши аниқланган.

Фаол *Trichoderma* N-17 штаммининг морфологик-културал, физиологик-биокимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида унинг *harzianum* турига мансублиги аниқланган ва кейинги тадқиқотлар учун манба сифатида танлаб

олинган. Янги классификацияга асосан бу замбуруғ *Ascomycota* бўлими, *Sordariomycetes* синфи, *Hypocreales* қатори, *Hypocreaceae* оиласи, *Trichoderma* авлоди ва *harzianum* турига киритилган.


*Trichoderma* замбуруғининг кўп таксонлари морфологик критериялар асосида аниқланган. Бу маълумотларни тасдиқлаш ёки уларни инкор қилиш мақсадида генларнинг нуклеотид таркибини секвенс қилиш усулидан фойдаланилган. Шу ўринда, танлаб олинган фаол *Trichoderma* N-17 штаммини фақат биологик белгилар асосида бошқа *Trichoderma* турларидан фарқлаш анча қийин эканлигини инобатга олиб, ушбу микромицетнинг 18S рДНК гени кетма-кетлигидан фойдаланган ҳолда, филогенетик ажратишнинг генетик концепцияси (GCPSR) методи ёрдамида *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг 18S рДНК генини секвенс қилиш натижасида аниқланган кетма-кетлик асосида ўрганилаётган штаммнинг филогенетик дарахти тузилган (1-расм).



**1-расм. 18S рДНК гени тадқиқотлари натижаларига асосланган микромицетларнинг шажара дарахтининг тузилиши**

Бу тажрибалар Норвегиянинг Берген университети, Биология факультети қошидаги “Экстремофиллар ва биотехнология” лабораториясида амалга оширилган.

Бундан ташқари, *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми микроскоп остида ўрганилганда, дарахтга ўхшаш шохланган конидиофорларда икки ёки учта баъзан тўрттадан бир-бирига қарама-қарши жойлашиб, тўғри бурчак остида ажралиб турадиган мунтазам оралиқларда шохлар ҳосил бўлиши кузатилган. Уларда бутилкасимон шаклидаги фиалидлар ҳосил бўлиб, новдаларда 2–6 тагача жойлашганлиги кузатилган. Конидиялар яшил рангда, шиллиқ бошларида тўпланган, юмалоқ шаклда бўлиб, тўқ яшил рангли ҳаво гифаларини ҳосил қилган (2–расм).




2-расм. Манделъс озукa мухитида 48 соат ўстирилган *T.harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг микроскопик кўриниши; а-конидиофора, б-фиалида, в-конидия (400 марта катталаштирилган)



3-расм. Амарант сомони қўшилган Манделъс озукa мухитида ўстирилган *T.harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг колониялари

Чапек озукa мухити, сусло-агар, Сабуро, картошка-декстрозали-агар, Манделъс ва бошқа озукa мухитларида, ҳамда углерод манбаи сифатида целлюлозали субстратлар қўшилган Манделъс озукa мухитларида мазкур штамм колонияларининг морфологияси ва радиал ўсиш тезлиги аниқланган. Колонияси айлана бир текис донатор ва қатра-қатра шаклини ҳосил бўлиши жуда тез ўсиши ва тўқ яшил рангда бўлиши, ушбу штамм учун хос бўлган морфологик хусусият эканлиги кузатилган (3-расм).

Тажрибалар натижаси асосида замбуруғ колонияси барча ўсимлик қолдиқларидан тайёрланган субстратлар қўшилган назоратга нисбатан юқори тезлик билан ўсиши ва 72-соатда Петри ликобчаси юзасини қоплаб олиши аниқланган. Амарант сомони ва буғдой кепаги қўшилган озукa мухитларида 2-суткада колония ўсишининг радиал тезлиги бошқа озукаларга қараганда катта тезликга, амарант сомонида 0,85; буғдой кепагида 0,89 мм/соат га етганлиги аниқланган (4-расм). Тадқиқотларимизда *T. harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг қийин гидролизланувчи углерод манбаларини парчалаш ва ўзлаштириш хусусиятига эга эканлигини кузатилган.



4-расм. Турли хил ўсимлик чиқиндилари қўшилган Манделъс озукa мухитида *T. harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғи колониясининг ўсиш тезлиги

Углерод манбаи сифатида 2% миқдорда амарант сомони, буғдой кепаги, буғдой сомонлари ва филътр қоғози қўшилган турли хил озукa мухитларида

*T.harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг ўсиш тезлиги қиёслаб ўрганилганда, Мандельс озуқа муҳитларига қараганда, бошқа озуқа муҳитида яхши ўсганлиги кузатилган. Замбуруғ колониясининг ташқи айлана томони оч яшил рангли ва донадор шаклга эга. Колониянинг марказида мицелийлар рангсиз-оқиш, момиқсимон ва ўргимчак тўрисишон кўринишда ўсиши, 5-кунда колония четларининг ранги бироз тўқлашиши аниқланган.

*T. harzianum* THNUU-1 (857) штамми колониясининг ўсиш суръати ҳам турли озуқа муҳитлари кесимида таққослаб ўрганиб чиқилган. Мандельс озуқа муҳитига углерод манбаи сифатида ўсимлик қолдиқлари ва фильтр қоғози қўшилиб колониянинг ўсиш тезлиги кузатилиб борилган. Мандельс озуқа муҳити назорат сифатида ишлатилган. Колония ўсиши ҳар 24 соатда 4 кун давомида ўлчаб борилган.


Тажриба давомида *T. harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг юқори ўсиш тезлигига эга эканлиги аниқланган. 72 соатда замбуруғ колонияси Петри ликобчасининг бутун юзасини қоплаб олганлиги ўсимлик қолдиқлари аралаштирилиб тайёрланган озуқа муҳитларида ўсиш тезлиги 46 мм дан 58 мм гача бўлганлиги, назоратда эса 32 мм (2-жадвал) ни ташкил қилганлиги аниқланган.

## 2-жадвал

Турли хил ўсимлик қолдиқлари қўшилган озуқа муҳитларида ўсган *T. harzianum* THNUU-1 (857) штамми колонияларининг вақт кесимда ўсиш ўлчамлари, мм

№	Ўстириш муҳити	Колониянинг радиуси, ММ		
		1 кун	2 кун	3 кун
	Мандельс озуқа муҳити + 2 %			
1	Буғдой сомони	11±0,11*	46±0,47*	90±1,5*
2	Амарант сомони	12±0,14*	58±0,7	90±1,1*
3	Буғдой кепаги	12±0,15	60±1,73	90±1,8*
4	ФҚ	9±0,1*	48±2,64*	90±2,7
5	Назорат (Мандельс муҳити)	6±0,28	32±1,63	79±3,75

Тажриба давомида *T. harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғининг ўсиш динамикаси 5-расмда келтирилган.




5-расм. *T. harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғининг турли ўсимликларнинг биомассаси қўшилган (2%) Мандельс озуқа муҳитида ўсиш динамикаси.

Тажрибаларда азот манбаи сифатида  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  тузидан фойдаланилганда *T. harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг ўсиш тезлиги ва ферментлар биосинтези ҳамда секрецияси ошиши кузатилди. Целлюлаза ферментлари фаоллигининг энг юқори нуқтаси 4 кунда кўзатилди. Шу шароитда эндо-1,4-β-глюканаза (5,7 бирлик/мл), экзо-1,4-β-глюканаза (2,3

бирлик/мл) ва ксиланаза (7,5 бирлик/мл) ни ташкил қилди. Озуқа муҳитига аммоний гидрокарбонат тузи қўшилганда, ферментнинг биосинтези аммоний сульфат сақлаган муҳитга нисбатан камроқ фаолликни намоён қилди. Эндо-1,4-β-глюканаза (4,91 бирлик/мл), экзо-1,4-β-глюканаза (1,87 бирлик/мл) фаолликни намоён қилган. Аммоний нитрат қўшилган озуқа муҳитида, эса фермент фаоллиги назоратга нисбатан кам бўлди (6-расм).

Азот манбалари сифатида ишлатилган асосли тузлар *T.harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг оксил моддалар биосинтезига ҳам турлича таъсир кўрсатиши кузатилган.  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  тузи сақлаган муҳитда, оксил моддалари бошқа таркибли муҳитларга қараганда, кўпроқ микдорда тўпланиши кузатилди. (6-расм).




**6- расм. *T. harzianum* THNUU-1 (857) 7-замбуруғининг экзо -1,4-β-глюканаза, эндо -1,4-β-глюканаза, ва ксиланаза ферментлари фаоллигига ҳамда оксил синтезига азот манбаларининг таъсири, бирлик/мл**

Мандельс минерал озуқа муҳитига 2% сахароза ўрнига углерод манбаи сифатида амарант сомонидан фойдаланилган ҳолда *T.harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғининг ўсиши, ферментлар ва оксил моддалар биосинтезига ҳароратнинг таъсирини 10°C дан 50°C гача бўлган ораликда ўрганиб чиқилганда, оксил ва целлюлаза фаоллигини энг юқори қиймати 29-33°C оралиғида эканлиги аниқланди. Шунингдек, турли хил рН кўрсаткичида (рН 3,5 дан 9,0 гача) замбуруғни ўсиш динамикаси ўрганилганда, муҳитнинг рН кўрсаткичи нордон томондан ишқорий томонга ўзгариб бориши кузатилди. Замбуруғ культураси рН кўрсаткичи 4,0 дан 8,0 гача бўлган муҳитда яхши ўсиши аниқланди. Оксил моддалар биосинтези ва целлюлаза ферментларини

pH кўрсаткичи 3,0 ва 9,0 бўлганда муҳитларда культуранинг ўсиш тезлиги камайиб, целлюлаза ферментларининг фаоллиги кузатилмади.

*Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғининг биомассаси ва культурал суюқлиги таркибидаги оксил моддаларнинг умумий миқдори аниқланганда, ўрганилаётган штаммининг биомассасида  $21.76 \pm 0.73\%$ , культурал суюқликда эса  $1.42 \pm 0.04\%$  оксил борлиги аниқланди. Оксил моддалари сингари, липидлар ҳам биологик фаол моддалар орасида муҳим рол ўйнайдилар. *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг курук мицелийси таркибидаги умумий липидлар миқдори  $4.91 \pm 0.3\%$  ни ташкил қилган ҳолда, озуқа суюқлигидаги липид моддаларнинг миқдори  $0.43 \pm 0.13\%$  ни ташкил қилиши аниқланди.

Кейинги тадқиқотларда майдаланган амарант сомони ва буғдой кепаги асосида каттиқ озуқа муҳитлари тайёрланиб, 15 кун давомида тажрибалар олиб борилганда, *T.harzianum* THNUU-1 (857) штаммининг ҳар иккала озуқа муҳитида ҳам оксил моддалар синтези динамикада ўрганиб чиқилганда ҳар иккала озуқа муҳитида ҳосил бўлган оксил моддаларнинг миқдори орасида жуда катта фарқ бўлмаганлиги кузатилди.




**7-расм. *T. harzianum* THNUU-1 (857) ўсимлик чиқиндиларини парчалаш натижасида ҳосил бўлган оксиллар миқдори, мг/г**

Бунда, *T. harzianum* THNUU-1 (857) штамми ўстирилган озуқа муҳитлари дистилланган сув билан экстракция қилинганда, аниқланган оксиллар миқдори: амарант сомонида ҳосил бўлган оксил миқдори 32,2 мкг/г дан 69,9 мкг/г гача, амарант сомони + буғдой кепагида ўстирилганда 33,7 мкг/г дан 75,3 мкг/г гача эканлиги аниқланди. Назоратда яъни замбуруғ штамми экилмаган озуқа муҳитларида - амарант сомонида 23,1 мкг/г, амарант сомони + буғдой кепагида 27,2 мкг/г ни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, 15 кун давомида ҳар иккала озуқа муҳитида ҳам оксил моддаларнинг биосинтези назоратга нисбатан 2,3-3,0 мартагача кўпроқ миқдорда оксил ҳосил бўлганлиги кузатилган.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот натижаларидан *T. harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғининг амарант сомони ва буғдой кечаги каби ўсимлик қолдиқларини гидролизга учратиш натижасида кўпроқ микдорда оксил табиатли моддалар ҳосил бўлиши аниқланди. Тажрибада фойдаланилган иккала озуқа муҳитида ҳосил бўлган оксил моддалари микдорининг унча катта фарқланмаслиги, *T. harzianum* THNUU-1 (857) замбуруғ штамми асосида оксилга бой озуқа-ем қўшимчасини ишлаб чиқишда, нисбатан арзон хом-ашё сифатида амарант сомонидан фойдаланиш мумкин эканлиги намойиш қилинган.

Амарант пояси таркибидаги оксил моддалар ва унинг таркибидаги аминокислоталар аниқланди. Бунинг учун *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми майдаланган амарант сомонини Мандельс озуқа муҳити билан 50-60% намлаб тайёрланган субстратларда 5 кун давомида ўстирилди ва унинг оксиллар таркиби аниқланди. Бунда, оксилларни экстракция қилиш учун сув ( $H_2O$ ) ҳамда NaOH нинг 0,2 М ли эритмасидан фойдаланилди. Назоратга нисбатан *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми билан ишлов берилган озуқа таркибидаги аминокислоталар микдори 2 баробарга ошганлиги кузатилди. Бу эса *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми озуқанинг аминокислоталар микдорини ошириши ва унинг сифатини яхшилашини англатади. Сувли ва ишқорли муҳитда экстракция қилинганда, озуқанинг аминокислоталарининг микдори ошгани қайд этилди. Бу эса нафақат озуқабоблик, балки озуқанинг сифатини ошганини ҳам кўрсатади.

Аминокислоталар	Назорат	Тажриба-1	Тажриба-2
		Амарант пояси ва <i>Trichoderma harzianum</i> 857 $H_2O$	Амарант пояси ва <i>Trichoderma harzianum</i> 857 NaOH
Концентрация мкм/гр			
Аспарагиновая к-та	27,31	57,81	42,21
Глутаминовая к-та	44,87	94,07	75,66
Серин	13,48	27,93	30,07
Глицин	25,719	52,94	41,80
Аспарагин	0	0	0
Глутамин	0	0	0
Цистеин	33,24	66,77	89,87
Треонин	20,57	39,78	42,06
Аланин	24,20	44,69	42,43
Пролин	15,11	30,44	36,97
Тирозин	12,41	25,56	21,65
Валин	18,82	49,73	50,99
Метионин	27,93	52,73	56,88
Изолейцин	22,41	45,83	44,92
Лейцин	26,04	52,84	53,96
Триптофан	0	0	0
Фенилаланин	20,09	43,90	48,53
Лизин	11,97	37,013	35,03
Аргенин	23,83	22,051	41,48
Гистидин	33,94	49,83	55,50
<b>Жами</b>	<b>401,939</b>	<b>793,914</b>	<b>809,97</b>



**8-расм. Тайёрлаган озуқага қўшимча таркибидаги аминокислоталар таркиби мг/гр**

Амарант пояси таркибидаги аминокислоталарнинг 36,5% алмашинмайдиган аминокислоталардан иборат эканлиги аниқланди. *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штаммини сув билан экстракция қилинганда, биомасса таркибидаги жами аминокислоталарни 39,5% ни алмашинмайдиган аминокислоталар ташкил қилиши аниқланди. Ишқор эритмаси билан гидролиз қилинганда умумий аминокислоталарнинг 41.5% ни алмашинмайдиган аминокислоталар ташкил қилганлиги кузатилди. Назоратда амарант пояси таркибида умумий аминокислоталар миқдори 401,911 мкг/гр ни ташкил қилди. Биринчи тажрибада *Trichoderma harzianum* THNUU-1 (857) штамми билан бойитилган амарант сомони сув билан экстракция қилинганда аминокислоталар миқдори 793,83 мкг/гр эканлиги аниқланди. Амарант поясини 0,2 М NaOH билан экстракция қилинганда аминокислоталар миқдори 809,97 мкг/гр ни ташкил қилди (8-расм).

***Амарант сомониға микробиологик ишлов бериш орқали олинган озуқаға қўшимчани кимёвий таркиби***

Амарантнинг ем-хашак экини сифатидаги қиймати биринчи навбатда, яшил массаси 1 озуқа бирлигига ўртача 200 г протеинни ўз ичига олади. Бундан ташқари, 100 г амарант оксидида 6,2 г лизин - бошқа ўсимликларда бундай миқдорда топилмайдиган муҳим аминокислота мавжуд. Алмашинмайдиган аминокислоталар етишмовчилиги озуқа сифатини пастлигини билдиради. Олинган омихта-ем таркибида лизин – 37,013 мкг/гр, фенилаланин – 43,90 мкг/гр, лейцин – 52,84 мкг/гр, метионин 52,73 мкг/гр, ва изолейцин 45,83 мкг/гр, миқдор бўйича устунлик қилиши аниқланди.

Сомоннинг кимёвий таркиби ва озуқавий қийматининг ўзига хос хусусияти юқори толали таркиб, жуда кам протеин ва ёғ, минераллар ва витаминларнинг деярли йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, сомон чорва моллари томонидан ёмон истеъмол қилинади ва унинг таркибидаги озуқа моддаларини ҳазм бўлиши нисбатан жуда паст. Шу сабабли, биз амарант сомониға микробиологик ишлов бериш орқали сифатли озуқа олишга ҳаракат қилдик (3-жадвал).

Тажриба давомида амарант сомони ва буғдой кепагига микробиологик ишлов бериш орқали олинган озуқанинг кимёвий таркиби ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, биринчи тажрибада амарант сомониға *T.harzianum* THNUU-1 (857) штамми билан ишлов берилганда озуқа таркибидаги оқсил миқдори 16.2% ни ташкил қилиб, бу назорат сифатида ишлатилган амарант сомони таркибидаги оқсил миқдоридан икки марта кўп эканлигини намоиш қилинди. Иккинчи тажрибада, амарант сомони ва буғдой кепаги 1:1 нисбатда аралаштирилиб назорат сифатида олинди ва тажрибада худди шу аралашмага *T.harzianum* THNUU-1 (857) штамми билан ишлов берилганда ҳосил бўлган оқсил миқдори 18.1% эканлиги ва назоратда 11,16% ни ташкил қилганлиги аниқланди. Озуқа сифатини таминлайдиган қолган бирикмалар ҳам ошганлигини кўришимиз мумкун (3-жадвал).

**Микробиологик ишлов бериш орқали олинган озуқанинг кимёвий таркиби, %**

Аниқланган моддалар ва кўрсаткичлар	1-намуна Амарант сомони + <i>T.harzianum</i> 857	1-назорат Амарант сомони	2-намуна Амарант сомони + буғдой кепаги ва <i>T.harzianum</i> 857	2-назорат Амарант сомони + буғдой кепаги
Кул	12,27	13,62	11,48	9,51
Азот	2,59	1,32	2,90	1,79
Протеин	16,20	8,27	18,10	11,16
Еғ	2,29	0,91	2,72	2,02
Клетчатка	36,29	43,25	26,18	27,24
Азотсиз экстракт моддалар (БЭВ)	31,50	33,95	41,52	50,07
Озуқа бирлиги	0,69	0,54	0,82	0,79
Умумий энергетик қиймати, ккал/кг	2773	2006	3050	2864
Кальций	2,28	1,83	1,59	1,40
Фосфор	0,74	0,17	1,07	0,79
Кислоталиги	0,8 <sup>0</sup>	3,6 <sup>0</sup>	0,8 <sup>0</sup>	5,8 <sup>0</sup>
Токсиклиги	Токсик эмас	Токсик эмас	Токсик эмас	Токсик эмас

Кейинги тажрибаларимизда, ўсимлик чиқиндиларига микробиологик ишлов бериш орқали олинган озуқанинг зарарсизлиги аниқланди. ЎзР ФА Биоорганик кимё институти ходимлари билан ҳамкорликда, озуқа намунасининг умумий таъсири ва ўткир заҳарлилигини зотсиз оқ лаборатория сичқонларида тажрибалар ўтказиш орқали аниқланди. Ўткир заҳарланиш параметрларини аниқлаш учун Литчфилд ва Уилкоксон усулидан фойдаланилди. Озуқа 1000, 2000, 3000, 4000 ва 5000 мг/кг дозаларда 10, 15 ва 20-% эритма шаклида оғиз орқали киритилди. Препартнинг ўрганилган барча дозаларида ҳайвонларнинг юқорида айtilган кўрсаткичларда озуқа намунасида ўткир заҳарлаш таъсири оқибатлари кузатилмади. Бутун тажриба давомида ҳеч бир дозада ҳайвонлар ўлими қайд қилинмади. Озуқа бир мартаба оғиз орқали киритилгандаги ўртача ўлим дозаси (LD<sub>50</sub>) 5000 мг/кг миқдордан катта эканлиги аниқланди.

Олиб борилган тажрибалар натижасида озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқаришда ва ишлатишда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари меҳнат унумдорлиги, таннархи, ишлаб чиқариш рентабеллиги ва маҳсулот сотишдан олинадиган фойда ҳисоблаб чиқилди. Баҳорги юмшоқ буғдой сомони ва амарант сомонини қайта ишлаш натижасида олинган 1 кг озуқа қўшимчасининг нархи 1500 сўмни ташкил этди, амарант сомони ва буғдой кепадиган тайёрланган озуқа эса 2000 сўмни бу бройлер товуклари учун аралаш озуқада ишлатиладиган озуқа донининг нархидан 780 сўм арзонроқ эканлигини кўрсатди. Бройлер товукларини боқиш чоғида, кун давомида қабул қилинаётган буғдойнинг 30% ини микробиологик ишлов бериш орқали олинган озуқа қўшимчаси билан алмаштириш (амарант сомони + буғдой сомони) орқали 55 кун ичида 1000 бош товукни озуқлантиришга сарфланадиган нисбатан, буғдой истеъмолини 540 кг га камайтирди, чорва моллари учун эса икки маҳал ем ўрнига тавсия қилиш ижобий натижа берганлигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

“Ўсимлик хомашёлари асосида озуқа оксили тайёрлашнинг микробиологик технологияси” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Турли хил табиий манбалардан ажратиб олинган 27 та замбуруғ изолятлари орасида скрининг ўтказиш натижасида, тез ўсувчан, оксил, целлюлолитик ферментлар комплекси ва ксиланаза ферментларини фаол ҳосил қилувчи *Trichoderma* sp. №17 штамми танлаб олинди.

2. Танлаб олинган *Trichoderma* sp. №17 штаммининг морфологик, културал, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари ва 18S рРНК сини нуклеотид кетма-кетлигини аниқлаш орқали *Trichoderma* авлоди *harzianum* турига мансублиги аниқланди. Штамм ЎЗР ФА Микробиология институти, саноат учун муҳим микроорганизмлар коллекциясига сақлаш учун топширилди ва унга ТННУУ-1 (857) рақами берилди. Шунингдек, штаммининг 18 rDNK кетма-кетлиги аниқланди ва у NCBI маълумотлар базасига OM541950.1 номери билан рўйхатга олинди.

3. Шакар тутувчи моддалар ва оксилга бой маҳсулот олиш мақсадида, продуцентни таркибида азот манбаи сифатида  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ , углерод манбаи сифатида 2% целлюлоза тутган таркиби ўзгартирилган Мандельс озуқа муҳитида қаттиқ озуқа муҳитида сиртда ўстириш усулидан фойдаланиш тавсия қилинган. Қаттиқ озуқа муҳитининг бошланғич кўрсаткичлари: рН 5,0-5,5; ўстириш ҳарорати 29-33°C; намлиги 50-60% га тенг бўлиши ва 120 соат давомида ўстириш зарурлиги аниқланди.

4. Озуқавийлик сифати паст бўлган буғдой сомони ва амарант ўсимлиги чиқиндиларини озуқа бирлигини ошириш мақсадида 30°C ҳароратда 5 кун давомида *T. harzianum* ТННУУ-1 (857) замбуруғ билан қайта ишлаш оптимал эканлиги белгиланди. Тайёрланган озуқа қўшимчасида оксил 16,8%, қанд миқдори 18,1 %, ёғ 2,29% оксил таркибидаги ва алмашинмайдиган аминокислоталар 39,5% ни ташкил қилди. Ишқор билан гидролиз қилинган буғдой сомони ва амарант ўсимлиги чиқиндиларидан тайёрланган омухта ем таркибидаги алмашинмайдиган аминокислоталарнинг миқдори 41.5% ни ташкил қилиши, бунда: фенилаланин – 43,9 мкг/гр, лейцин – 52,8 мкг/гр, метионин 52,7 мкг/гр ва изолейцин 45,8 мкг/гр га тенг эканлиги аниқланди.

5. Амарант ўсимлигининг сомони асосида тайёрланган озуқа қўшимчасининг озуқа бирлиги 0.81, азот миқдори 2.59%, кальций 2,28%, фосфор 1,07% га ва умумий энергетик қиймати 3050 ккал/кг га ошганлиги аниқланган. Олинган озуқа қўшимчасининг ўткир захарлаш хусусиятини ўрганиш орқали, препаратнинг VI синфга кариши ва захарсиз моддаларга тегишли эканлиги аниқланди.

6. Озуқа қўшимчадан фойдаланилганда соғин сигирларнинг сут миқдорининг ўртача суткалик ўсиши 18-20% га ошганлиги, маҳсулот бирлигига ем сарфи эса 20-30 фоизга камайганлиги исботланди. Бундан ташқари, паррандаларни ҳар куни озиклантириш, озуқадан фойдаланиш даврида бройлер жўжаларининг ўсиш суръатини оширибгина қолмасдан, балки 3 ой давомида тирик вазнининг 11-12% га ортишини таъминлаши аниқланган. Жўжанинги ўртача кунлик вазни ортиши, озуқани яхшироқ конвертацияланиши, озуқа истеъмолининг камайиши натижасида, озуқага қўшимчадан фойдаланиш самарадорлиги ҳар бир кг озуқа учун 780 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.38.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИКРОБИОЛОГИИ  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

---

**АБДУСАМАТОВ СОХИБЖОН АБДУСАМАТОВИЧ**

**МИКРОБИОЛОГИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ  
КОРМОВОГО БЕЛКА НА ОСНОВЕ РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ**

**03.00.04 – Микробиология и вирусология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/B298.

Диссертация выполнена в Национальном Университете Узбекистана  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<https://microbio.uz>) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Давранов Қахрамон**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хўжамшукуров Нортажи Абдихаликович**  
доктор биологических наук, профессор

**Қутлиева Гузал Джуманиёзона**  
кандидант биологических наук, старший ввучный сотрудник

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «23» февраля 2023 года в «10:00» часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.12.2019.B.38.01 при Институте микробиологии (Адрес: 100128, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 76, конференц-зал Института микробиологии, 3 этаж Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, 246-02-24, e-mail: [microbio@academy.uz](mailto:microbio@academy.uz)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института микробиологии (зарегистрирована под № \_\_\_\_). Адрес: 100128, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А. Кадырий, 76, Административное здание Института микробиологии, 5-й этаж, библиотека. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Автореферат диссертации разослан «08» 02 2023.

(реестр протокола рассылки № 2 от «08» 02 2023)



  
**Хрипов Тахир Фатихович**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор, академик

  
**Жураева Рохля Назаровна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н. старший научный сотрудник

  
**Гулямова Ташхан Гафуровна**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире уделяется особое внимание созданию белково-витаминной композиции, богатой белком, незаменимыми аминокислотами и витаминами, и приготовлению качественного корма путем переработки растительных отходов для домашнего скота и птицы. В традиционных технологиях производства комбикормов в основном используется урожай зерновых культур (60-80%). Однако, такая технология приводит к уменьшению запасов зерновых культур, являющихся основой продовольствия, а их интенсивное увеличение спроса к ним может привести к нехватке зерна для удовлетворения потребительского спроса. Вместе с этим, в различных отраслях сельского хозяйства наблюдаются случаи, когда большая часть отходов, образующихся при переработке зерна, превращается в полностью неиспользуемые запасы отходов. Поэтому, посредством переработки растительного сырья с помощью активных штаммов микроорганизмов, превращение его в богатый белком и витаминами питательный продукт, и использование полученных продуктов для развития животноводства, птицеводства и рыбоводства, имеет важное значение.

